

Бу гулшан ичраки,
йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур,
чиқса яхшилик била от.

Алишер Навоий

Ishonch

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан
чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



Кун нафаси

«Халқаро меҳнат ташкилотининг Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида»ги Қонун (УРҚ-750-сон, 07.02.2022 й.) Президент томонидан имзоланди.

Президент томонидан «Интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги қонунчилик тақомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун имзоланди.



Панжоб вилояти губернатори Мухаммад Сарвар Чаудҳари бошчилигидаги делегация жорий йилнинг 5-7 февраль кунлари Наманган вилоятида бўлди.

Покистон Ислам Республикаси Панжоб вилояти губернатори Мухаммад Сарвар Чаудҳари бошчилигидаги делегация Бухоро вилоятига ташриф бурди.



Берлин шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси Ташкилот ишлари вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги давраси ташкил этилди.



Давлат комиссиясининг тегишли қарорига мувофиқ, 2021/2022 ўқув йилида олий ва профессионал таълим муассасалари талаба ва ўқувчилари ўқиши учун контракт тўлашнинг сўнги мuddати 2022 йилнинг 1 мартигача белгиланди.



Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетиде «Алишер Навоий ва XXI аср» мавзусидаги 7-халқаро илмий-назарий онлайн конференция бўлиб ўтди.

Термиз туманидаги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида «Шеърят осмонининг ёрқин юлдузи» деб номланган адабий-бадиий кеча ўтказилди.

Шоҳид Тиллабоев Ўзбекистон бокс федерациясининг ижрочи директори лавозимига тайинланди.

Халқаро шахмат академиясида 8-12 ёшдаги ўғил-қизлар ўртасида мамлакат чемпионати баҳслари бўлиб ўтмоқда. Мамлакат чемпионати баҳслари 26 февралга қадар давом этади.



Сиддигар Абдураимова олган сурат

НАВОИЙНИ ҚАЧОН АНГЛАЙМИЗ?

Адабиётимизнинг етук намояндаси ва давлат арбоби Алишер Навоий ҳақида гап кетганда, унинг туркий ва форсий тилларда ёзган, мазмун-моҳиятига садоқат ва муҳаббат, одамийлик сингдирилган асарларини ёдга оламиз. Маслакдоши Ҳусайн Бойқаро билан амалга оширган улуғ ишларини эслаймиз. Батман Алишер Навоий шоир сифатида ҳам, давлат арбоби сифатида ҳам қийинчилик кўрмагани, тўқ-фаровон яшагани учун сермазмун ижод қила олган деган фикрлар ҳам учрайди. Аслида бу буюк зот ҳам бошқалар каби ҳаёт ташвишларига қорилиб яшаган, етимлик, ғариблик азобларига дуч келган. Давлат иши билан боғлиқ низолар, қирғинбарот урушлар, мансаб ва мартаба талашишлар ўз даврида Навоий ҳаётига ҳам таъсир қилмасдан қолмаган. У отасидан жуда эрта айрилган. Навоий Ҳиротдан Маҳшадга, Маҳшаддан Самарқандга, Самарқанддан Астробод, Балх сари кўчиб юрган. Шундай бўлишига қарамасдан, ижоддан тўхтамаган.

Тошкент вилояти

Мавзуга қайтиб...

«ЧАРВАК» қачон «ЧОРВОҚ», «ЧИМГАН» қачон «ЧИМЁН» бўлади?



«Ishonch» газетасининг 2022 йил 20 январдаги сониде «Чорвоқ»қа қандай борилади, «Чимён»гачи? сарлавҳали луқма эълон қилинган, унда Бўстонлик тумани «Чимён» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги собиқ иттифоқ замонидан қолган, рус тилида ёзилган номлар ҳақида сўз борган эди.

сумий курортни куриш лойиҳаси доирасидаги «Чимган» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиш ишлари амалга оширилгани ҳақида гап борган. Буни қарангки, ҳатто расмий жавобда ҳам Билдирсой (Бу ном бошқа манбаларда «Белдорсой», «Белдирсой» деб ҳам ёзилган) – Белдерсай, Чимён – Чимган деб келтирилган. Нима бу? Давлат тили – ўзбек тили устидан қилишми?

Умуман, вилоятда давлат тилида иш юритиш, хусусан, маънан эскирган лавҳадаги давлат тили, давлат байроғи мавқеи ва нуфузига путур етказиб турган ёзувларни бартараф этиш чораси қачон кўрилади? Жумладан, Бўстонлик туманидаги «Чарвак – Чимган» ёзуви маънан эскирган лавҳа сифатида олиб ташланиши учун яна қанча вақт керак?

Масъулиятсизликнинг яна бир кўринишини эса ўзингиз ҳам кўриб турибсизки, газетадаги танқидий чиқишларга вилоят ҳокимлигидан расмиётчилик учун – ҳужажўрсинга, масъулиятсизлик билан жавоб ёзиш давом этмоқда.

Мавзуга қайтишимиз сабаби, жой номлари давлат тилида ёзилишини истаганимиздир, холос. Бир лавҳадаги ёзувни ўзгартириш учун яна қанча мақола ёзилиши керак? Бугун кўпчилик томонидан маърифатпарвар раҳбар, дея эътироф этилаётган Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бу камчиликлардан хабардормикан?

Ишонимизки, ушбу мақоладан сўнг муаммо ижобий ечим топиб, мавзуга қайтишга ҳожат қолмайди.

Дилмурод ҚИРГИЗБОЕВ,
«ISHONCH»

Саёҳат



«Юр, тоғларга чиқайлик...»

Транспорт, йўл ва капитал курилиш, курилиш индустрияси ходимлари касабга уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши ташаббуси билан тармоқ касабга уюшмасининг 65 нафар фаол ишчи-ҳодимлари Тошкент вилоятининг фусункор маскани – Амирсой, Билдирсой, Чимён дам олиш масканларида 3 кун мириқиб ҳордиқ чиқариб қайтишди.

Бирор марта қиш фаслида тоғли жойларга саёҳатга бормаган эдим, – дейди «Қувасойцемент» АЖ ишчиси Шукурулло Ёрматов. – Касабга уюшмаларининг эътибори сабаб шундай гўзал гўшаларни ўз кўзимиз билан кўриш насиб этди.

Саёҳатимиз унутилмас хотираларга бой бўлди, – дейди «Фарғона йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси ходимаси Мунисахон Маҳмудалиева. – Бундай саёҳатни ташкил этган ташкилотчиларга кўпдан-кўп раҳмат.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Чирокчи тумани кенгаши томонидан ҳомийлик ёрдамлари ҳисобидан 10 нафар тўшакда ётган соҳа фахрийларига озиқ-овқат жамланмалари тақдим этилди.

Фаолият

Ташаббус бор экан...

Умрини эл болаларини зиёли қилишга сафарбар этган 94 ёшли Аҳмад бобо Мухиддинов, 85 ёшли Боймирза Жўраев ва бошқалар бу эътибордан кўнгиллари тоғдек кўтарилганини айтиб, касабга уюшмалари ишига ривож тилаб, узундан-узун дуо-қилишди.

Бугина эмас, туман кенгаши ташаббуси билан 25 нафар пенсиядаги педагог ва шунча бошланғич ташкилот етакчисининг Самарқандга саёҳати ташкил этилди.


– Саёҳат ва зиёрат чоғида нурунийлар ва 25 та мактаб касабқўм етакчилари ўртасида эсда қоларли мулоқотлар бўлди, – дейди Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Чирокчи тумани кенгаши раиси Абдураим Ҳайдаволов. – Фахрийлар ўзларининг бой тажрибаси, ҳаётий ҳикоялари билан гўё ёшларимизга фидойилиқдан дарс беришди.

Шунингдек, туман кенгашига бўлган муурожаатларга жавобан халқ таълими бўлимига тақдимномалар киритилиб, 100 нафардан ортиқ педагогнинг фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун компенсация пуллари ундириб берилди.

Шу кунларда эса жойларда, чекка-чекка қишлоқларда бошланғич ташкилотларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш тадбирлари қизғин давом этаётди.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ...



Таҳлилий ва танқидий руҳда

Йиғилиш



Ҳар бир туман ва шаҳарда тармоққа тегишли бўлган, лекин ҳанузгача аъзоликка жалб қилинмаган ёки янги ташкил этилаётган ташкилотларга чиқиб, ходимларга касаба уюшмаларига аъзолик афзалликларини тушунтириш, иш бевувчилар билан музокаралар ўтказиш бўйича қатъий топшириқлар берилди. Шунингдек, касаба уюшмасига аъзолик бадаллари тушуми ва унинг мақсадли сарфланиши бўйича фикрлар билдирилди.

Таъкидланишича, бултур тизим фаоллари 4929 та ташкилот ва корхонада бўлиб, ходимлар ва иш бевувчилар билан музокаралар ўтказишган. Аъзоликнинг афзалликлари, жамоа шартномасининг ходимларга ҳамда иш бевувчиларга берадиган имтиёз ва имкониятлари тушунтирилган. Натихада йил давомида ушбу ташкилотларнинг 3929 та сида фаолият юритаётган 49 590 нафар ходим касаба уюшмаларига аъзо қилинишига эришилди. Бугунга келиб, аъзо корхона ва ташкилотлар сони 79763 та бўлиб, уларда фаолият юритаётганлар 1408102 нафарни ташкил этмоқда.

Тизимда ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантириш мақсадида Республика кенгаши 18 та вазирлик, идора ва компаниялар билан тармоқ келишуви имзолашга эришди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари касаба уюшмалари мавжуд бўлган барча бўғинларда 308 та ҳудудий-тармоқ келишувларини тузиш ишларини амалга оширди.

Тармоқ касаба уюшмаси ўз олдига қўйган энг катта мақсад аъзоларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишдан иборат. Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси ташкилотларига жисмоний ва юридик шахслардан

8626 та муурожаат келиб тушди. Улардан 6004 таси қаноатлантирилди, 2547 тасига тушунтириш берилди, 16 тасида кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топмади, 44 таси тегишлилиги бўйича бошқа идораларга юборилди. Президент виртуал қабулхонаси орқали келган 38 та муурожаат ўрганилди.

Йиғилишда барча йўналишларда олиб борилган ишлар таҳлил қилинди. Йил якунига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Навоий ва Бухоро вилоятларининг иш фаолияти ижобий баҳолашиб, энг юқори кўрсаткичга эришган Наманган вилояти бўйича масъул ташкилотчи А.Жавҳаровга замонавий ноутбук тақдим этилди.

Шу билан бирга, ишни тизимли ва самарали ташкил этмаган ҳудудлар фаолияти танқидий кўриб чиқилиб, уларнинг масъул ташкилотчилари ҳамда туман кенгашлари раислари қаттиқ огоҳлантирилди.

Йиғилишда келгусида тизимни ривожлантириш учун бир қатор йўналишлар белгилаб олинди. Соҳага алоқадор бўлган ва касаба уюшмаларига аъзоликка олинмаган ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларни аъзоликка олиш ишларини қучайтириш, иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини доимий назоратга олиш, аниқланган қарздорликларни бартараф этиш чораларини кўриш, кластерлар ва бошқа йирик ташкилотларда касаба уюшмасини ташкил қилиш бўйича манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш шулар жумласидандир. Шунингдек, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Фермер, деҳқон ҳўжалилари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Кластерлар уюшмаси билан биргаликда касаба уюшмалари ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик қилиб келаётган ҳудудларда доимий ҳафсиз иш ўринлари очиб, фаолиятини энг яхши йўлга қўйган, расмий иш ўринларига эга хорихий ва маҳаллий кластерлар ўрта-сида кўрик-танловлар уюштирилади.

Таҳлилий ва танқидий руҳда ўтган йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «ISHONCH»



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси малака ошириш институтида Агросоаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитаси йиғилиши видеоконференц алоқа тарзида ўтказилди. Унда Республика кенгаши, ҳудудлар бўйича масъул ташкилотчилар, туман ва шаҳар кенгашлари раислари иштирок этишди.

Йиғилишни тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Рустам Холматов олиб бориб, кун тартибидеги масалаларга тўхтади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2021 йилдаги фаолияти якунлари ва 2022 йилнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, Республика кенгашининг ўтган йилиги фаолияти якунлари танқидий таҳлил этилди.



Farqona viloyati

2018 йилдан буён Фурқат тумани тиббиёт бирлашмасида касабакўм раиси бўлиб ишлаётган Ҳамзахан Аҳмедова 1767 нафар саломатлик посбонларининггинагина ҳамда ҳимоячиси. Муассаса ходимларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга кўмакдош бўлиш етакчининг асосий вазифаси.



Бошланғич ташкилотларда

бол мусобақасида 2-ўринни эгаллагани жамоа аҳлида фахр-ифтихор туйғулари уйғотди.

Моодий жиҳатдан қийналган, кўмакка эҳтиёжи бор ходимлар касаба уюшманинг эътиборидан четда қолмайди. Ўтган йили ана шундай ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларнинг 100 нафари меҳр-муруватга муносиб кўрилди. Қолаверса, янги ўқув йили бошланғичда кам таъминланган ходимларнинг фарзандларига ўқув куроллари олиб берилди.

Муассасанинг болалар бўлими ҳўжалик бекиси Назокат Қодированинг икки нафар фарзанди бор. Унинг ижтимоий аҳволи касаба уюшма кўмитаси раисига яхши аён. Шунинг учун унга доимий равишда кўмаклашиб келинади.

— Касаба уюшмани яқин кўмакчи деб биламан, — дейди Назокат Қодирова. — Шахсан ўзимга моодий ёрдам ажратилди. Қолаверса, фарзандларимга янги ўқув куроллари олиб берилди. Шундай суяничимиз борлигиндан беҳад шодман.

Тиббиёт муассасасида 34 йил фаррошлик қилиб, ҳозир кексалик гаштини сураётган Меҳмонои Носирова ҳам ҳамма эътиборда. Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида Меҳмонои опа муассасага лўфдан таклиф этилиб, касаба уюшмаларининг эсдалик совгалари билан тақдирланди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Аҳоли саломатлиги йўлида жонбозлик кўрсатиб келаётган инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси меҳнат самарадорлиги учун энг муносиб рағбатдир

Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»



Аноргул опа Ибраева Янгийўл шаҳридаги «Фаровон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Анорқулов номли масивда истиқомат қилади. Ёши бир жойга бориб қолган, тез-тез хасталаниб туради, устига-устак, боқувчиси ҳам йўқ.

Бор бўл, оқибат!

АНОРГУЛ ОПАНИНГ МИННАТДОРЛИК МАҚТУБИ

Қутилмаганда Аноргул Ибраеваниннг соғлиги ёмонлашиб, жароҳатли амалиётини бошидан ўтказди. Жароҳатли амалиётгача ва ундан сўнг саломатлигини тўлиқ тиклаш учун қанча дори-дармон кетишини кўпчилик яхши билади.

Касалхонадан чиққач, Аноргул опа Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашига «Аёллар дафтари»га киритилиши сўраб муурожаат қилди. Муурожаат дарҳол ўрганилиб, илтимос қондирилди. Аноргул Ибраевага соғлиғини тиклаш учун 2 миллион сўм миқдорда моодий ёрдам берилди. Унинг ёзган миннатдорчилик хатида «Аллоҳ сизлардан рози бўлсин», деган ёзувларни ўқиган кишининг беихтиёр кўзи ёшланади.

— 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини қучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сивсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши Меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Нурсултон Бектошев. — Бундан буён ҳам инсон қадрини улўлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя бўйича зим-мамиздаги вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратаварамиз.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОВ, «ISHONCH»



Қишлоқ вилояти

Ишчи гуруҳ фаолияти

Чироқчи тумани Паканди қишлоғида яшовчи Ойзода Бозорованиннг рўзғори катта. Беморликдан эзилиб юргани етмагандай турмуш ўртоғи, икки ўғли ва келинларининг ҳам имкони топилмайди.

ЭЗГУЛИК НАСИМИ

Шундай чигал вазиятда бемор онанинг жонига «Аёллар дафтари» оро кирди. Унга ордер берилиб, пойтахтда даволаниб келди. Хозир аҳволи яхши.

«Паканди» маҳалла фуқаролар йиғини раис ўринбосари Очилой Умирова Ойзода ҳам бу хонадан тез-тез хабар олиб турганини, уй бекардари бекор ўтирмакликка ундайдми. Кредит олиб ёки берилаётган имтиёзлардан фойдаланиб, қўшимча маблағ ишлаб топиш — ҳаётий зарурат-ку.

— Қишлоғимиз аҳолиси зич яшайди, — дейди Очилой опа. — Аммо бўйрадеккина ҳовлисида қўлбола иссиқхона қилиб, қўқат етиштиряётган, туман аҳолисини помидор, булғор қалампирини ниҳоллари билан таъминлаётган оилаларимиз кўп. Ҳатто қўшни туманлар аҳолиси мижозга айланган.

Қолаверса, қишлоққа Чироқчи деҳқон бозори яқин. Аёлларимиз икки тандир нон ёпишса, керагини уйда қолдириб, бир қисмининг бозорга чиқарса, бу ҳам рўзғорга ҳарна мадад-да!

Гулзода Турсунова биринчи гуруҳ ноғирони. Боз устига, икки боласининг бири ноғирон. Уй-жойга муҳтожлиги сабаб «Аёллар дафтари»га киритилган аёл, ниҳоят, уйли бўлди. Турмуш ўртоғи вафот этган, вояга етмаган тўрт нафар фарзанди бор Гузал Шомуродова ишчи гуруҳ арасида билан давлат мактабгача таълим ташкилотига ишга жойлашди. Боқувчиси йўқ, беш нафар фарзандни ёлғиз ўзи тарбиялаётган Зилола Бобоновага эса ўзини ўзи банд қилиши учун тикув машинаси берилди. Қундуз Зокирова ҳам оилавий шароити ва тикувчиликка қизиқиши сабаб тикув машинаси бўлди, унинг ноғирон синглиси Нарғиза Зокирова «Аёллар дафтари»нинг учинчи босқичига киритилди. Тўрт фарзандни ёлғиз ўзи катта қилаётган Заммира Хайдалова «Аёллар дафтари» тўғрисида кредит олиб, иссиқ-

хона ташкил қилди. Бундан ташқари, оиласида ноғирони бор аёлларга 480 минг сўмдан бир мартали моддий ёрдам кўрсатилди.

— «Аёллар дафтари»нинг биринчи босқичида 27 нафар, иккинчи босқичида 51 нафар аёлнинг турмуш шароитини яхшилашга ҳаракат қилинган бўлса, учинчи босқичида 67 нафар ёши 31 дан юқори бўлган аёлларга киритилди. Энг асосийси, хотин-қизларимиз давлат томонидан кўрсатилган ғамхўрликни қалбдан ҳис этишяпти, уларнинг ҳаётга бўлган қарашлари, интилизлари ўзгаришти, — дейди Очилой Умирова.

Чироқчининг қишлоғида эса «Уйшун чебарлари» тикувчилик фабрикаси иш бошлайдиган бўлди. «Аёллар дафтари» бўйича фаолият олиб бораётган 4-сектор раҳбари Бахтиёр Усмонов ҳамда ҳоким ёрдамчиси Сардор Абдуллаев «Санам» МЧЖ мутадеҳқон бозори яқин. «Уйшун» маҳалласида унинг филиалини очига келишиб олдилар.

«Санам» МЧЖ Қарши шаҳридаги энг йирик трикотаж фабрикалардан бири эканини ҳисобга олсак, қишлоқ аҳли бу келишувдан қувонганини тушуниш мумкин.

Маҳалладаги бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш ва янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилаётган ушбу корхонада 40 нафар хотин-қиз доимий ишли бўлиши қутилмоқда. Шунингдек, «Уйшун чебарлари» фабрикаси қошида тикувчиликни ўргатишга ихтисослашган ўқув маркази фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Яна бир эзгу ўзгариш шуки, «Уйшун» маҳалласида қишлоқ аҳолиси узоғини яқин қилиш мақсадида (қишлоқ туман марказидан 40-50 чақирим узоқликда жойлашган) Давлат хизматлари агентлигининг филиали ташкил қилинмоқда.

Акмал АБДИЕВ, «ISHONCH»



OPPO A53



Назира ТОҒАЕВА,
Ўзбекистон касаб уюшмалари
Федерациясининг Навоий
вилояти кенгаши раиси

НАВОЙНИ ҚАЧОН АНГЛАЙМИЗ?

гани Навойнинг ўзига билдиришни ният қилган. Хусайн Бойқаронинг келишини эшитган Навой унга пешвоз чиқиб баробарида ўзини лоҳас сеза бошлайди. Не кўргулики, Бойқаро етиб келиши билан Алишер Навоий Аллоҳга омонати топшириб, жон беради.

Бу каби тафсилотлар билан биз мактабда танишганмиз. Бироқ анча йиллар давомида Алишер Навойнинг ҳаёти ва мероси чуқур ўрганилмаган. Гапнинг лўндасини айтганда, Алишер Навоий ҳақидаги билимларимиз шунинг учун ҳам саёзки, бизга улуг мутафаккирнинг ёзган асарларини тушунириб берадиган устозлар, китоб ва рисолатлар етишмайди. Кўпчилиги-

миз «Ғурбатда ғариб шодумон бўлмаст эмиш» рубоийсини ёд олганмиз. Навоий деса, дарҳол шуни тақдорлаймиз.

Ваҳоланки, ўн тамиздан саккиз-тўққизта миз бешта дostonдан иборат «Хамса»ни тўлик ўқиб чиқмаганимиз ҳам бор гап. Ҳаттоки, ўрта мактабларнинг адабиёт ўқитувчилари ҳам бундан мустасно эмас. Биз Алишер Навойнинг асарларини мукаммал билишимиз керак.

Менимча, Навоийни англашимиз учун унинг асарлари содда ва энгил қилиб тушутирилган адабиётларни, ўқув-дарсликларни кўпайтириш шарт. Эҳтимол, жойларда Навоий мактабларини ҳам очиш жоиздир. Буларнинг бари буюк бобомизнинг асарлари янада оммалашшига хизмат қилади.

ўқув-дарсликларини кўпайтириш шарт. Эҳтимол, жойларда Навоий мактабларини ҳам очиш жоиздир. Буларнинг бари буюк бобомизнинг асарлари янада оммалашшига хизмат қилади.

Дарвоқе, Навоий ҳақида суратга олинган фильм ҳамон яғоналигича қолмоқда. Фарзандларимиз Алишер Навоий меросини ўрганиши учун шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида бола-ларбоп, оммабоп фильмлар яратиш ҳам айни муддаодир.

Тарғибот англашдан бошланади. Мақсадимиз Алишер Навоий асарларини мукаммал ўрганиш экан, мамлакат миқёсида шоир ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ турли танловларни ташкил қилиш керак. Унинг ғоибларига катта мукофотлар бериш эса, кўпчиликни ўқишга, изланишга чорлайди. Бу танловларга мактаб ўқувчилари, талаба-ёшлар билан бирга, ўқитувчи-устозларни, турли соҳа вакиллари, катта лавозимдаги раҳбарларни ҳам жалб этиш ижобий самаралар бериши турган гап.



<<< 1


Шоир сифатида хурмат-обрўнинг ортиб бориши, давлат ишларидаги муваффақиятлари Навоийни Султон Хусайн Бойқаро билан янада иноқлаштирган. У мамлакат бош вазири лавозимига кўтарилган. Аммо ўртага ғаламис кимсалар тушиб, Навоий билан Хусайн Бойқаронинг илиқ муносабатларига путур етказилган. Натижада Бойқаро Навоийни ўз вазирасидан озод қилиб, Астрободга ҳоким қилиб жўнатиб, юборган. Кейинчалик Хусайн Бойқаро буларнинг барчаси сарой амалдорларининг ҳийла-найранги эканлигини тушуниб етган. У Астрободга сафар уюштириб, яна ижодий мулоқотлар қилиш, дўстона муносабатларни давом эттириш истаги борли-

Самарқанд вилояти

МАНЗИЛДА АДАШГАН МАКТУБЛАР

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ўтган йил мобайнида салкам ярим миллионга яқин ёзма мурожаатни қабул қилди. Уларнинг салкам олти миш фоизи касаб уюшмаларига аъзо бўлмаган фуқаролар ва ташкилотларда ишловчилар ҳиссасига тўри келаётгани, айниқса, кишини ўйга толдиради.

Энг кўп мурожаатлар Самарқанд шаҳри ва Пастдарғом туманида яшовчи фуқаролар томонидан йўлланган. — дейди Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгашининг Мурожаатлар билан ишлаш бўлими мутахассиси Санобар Жапарова. — Соҳалар кесимида таҳлил қилинганда, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида ишловчилар аризаси кўпроқ. Бу эса мазкур тизимларнинг қаеридадир бўшлиқ борлигидан далолат беради.



Аmmo бу даргоҳда мурожаатни дахлдорлик юзасидан у ёки бу ташкилотга ошириб юбориш одати йўқ

Касаб уюшмаларида бир анъана бор. Налда қайд р о ж а а т н и дахлдорлик юзасидан у ёки бу ташкилотга ошириб юбориш одати йўқ. Ариза юзасидан кимгадир масъулият юклатилиб, масала охирига етгунча назоратда ушланади. Худди ана шу анъана нафақат жамоат ташкилотига бўлган ишончини мустаҳкамламоқда, балки мурожаатлар сонини ҳам оширмоқда. Бир қатор хат муаллифлари би-

Ж у р - этилган мурожаатни дахлдорлик юзасидан у ёки бу ташкилотга ошириб юбориш одати йўқ.

лан қилинган мулоқотларда аёнлашдики, улар касаб уюшмаларига аъзо эмас, ташкилот вази-фаси, мақсад ваколатларидан ҳам деярли хабарсиз. Аммо зарурат туғилганда касаб уюшмалари эшигини қоқиб келишади.

Келинг, ушбу мурожаатларнинг баъзиларига кўз ташлайлик. Пахтачи туманида яшовчи Г.Эшқобилованинг оиласи бузилган. У ўз мурожаатида турмуш ўртоғи билан расман ажрашганини баён этади. Лекин мол-мулкни тақсимлаш масаласи муаммога айланган. Аризачи кўп идораларга бош суққан бўлса-да, муаммога ечим топилмаган. Охир-оқибат касаб уюшмаларидан шу масалада ама-

Шурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



Сирдарё вилояти

Ҳуқуқий маслаҳат

Мурожаат муддати қачонгача?

САВОЛ:
Ишга тиклаш масаласида судга мурожаат қилиш борасида қонунчиликда қандай муддат белгиланган?

Фазлиддин МАМАРАСУЛОВ
Ховос тумани, «Соҳибкор» МФЙ

ЖАВОБ:
Меҳнат кодексининг 270-моддаси тартибига кўра, судга ишга тиклаш низоллари бўйича — ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида мурожаат қилиш белгиланган бўлиб, белгиланган муддат, узрли сабабларга кўра, ўтказиб юборилган тақдирда, бу муддатлар суд томонидан қайта тикланиши мумкин.

Санжар ТОҒАЕВ,
Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси

Бухоро вилояти

ХОББИДАН ДАРОМАД МАНБАИГА АЙЛАНГАН МАШҒУЛОТ

Ойбек Хайитов Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгашида ишлайди. Бўш вақтларида эса қўзиқорин етиштириш билан шуғулланади. Шу мақсадда Вобкент туманидаги битта бинони ижарага олиб, 1000 дона полиэтилен қопчада қўзиқорин парварилашни йўлга қўйган. Ўзи бошқа юмушлар билан ҳам банд бўлгани сабабли маҳалладаги «Аёллар дафтари»га киритилган икки аёлни ишга жалб этган. Табиийки, улар меҳнатларига яраша ҳақ олишади.



Ойбек Хайитов бу соҳага талабалик даврларидаёқ қизиқганини, унинг барча сир-асрорларини пухта ўрганганини ва яхшигина даромад орттираётганини алоҳида таъкидлайди.

— Ҳозир кўпроқ «Вешенка» навини етиштиряпмиз, — дейди у мамнуният билан. — Ҳарорат 18-20 даража илқ бўлган ёпиқ жойда бу маҳсулот 15 кунда етилади. Энг муҳими, қўзиқорин ўсимлик эмас, уни етиштириш учун шелуха ва бошқа зарур препаратлардан фойдаланилса ҳамда яхши қа-

ров бўлса, кифоя. Ҳар қопчадан 2-3 килограмм истеъмол-боп қўзиқорин олиш мумкин. У бозорда жуда харидорғир. Замонавий тиббиётда табиий инсулин ва ферментларга бойлиги аниқланган. Шу боис, уни кўпинча қандли диабет касаллигига йўлқоч беморлар харид қилишади.

«Бир йигитга қирқ хунар оз» деган нақлга амал қилувчи Ойбек қўшимча даромад топиш учун келгусида қўзиқоринларни 5-10 минг дона халтачада етиштириб, харидорлари сафини янада кенгайтириш

ниятда. Қолаверса, биогумус органик ўғитини тайёрлаш учун Калифорния чувалчанларини боқиб, кўпайтириш борасида ҳам бош қотирмоқда. Ҳайхотдек томорқаси бўла туриб, бир боғ пиез етиштиришга эринадиган, лоқал бир неча туп мевали дарахт экиб қўйишни ҳам ўзларига эп кўрмайдиган кишилар Ойбек сингари серғайрат, тиниб-тинчмас йигитлардан ўрнак олсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА,
«ISHONCH»

Таҳлил

лий ёрдам сўраган. Жамоат ташкилоти аризага йўл-йўриқ кўрсатиш билан кифояланиши мумкин эди. Аммо бундай бўлмади. Пахтачи туманидаги тармоқ касаб уюшмаларига шикоятчиға ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиш вази-фаси топширилди.

Самарқанд шаҳрида истиқомат қилган М.Фуломова ҳам касаб уюшмаларига арз қилди. Етмиш ёшдан ошган онахоннинг асли касби ўқитувчи. Турли йилларда мактабни бошқарган. Кейинчалик маҳалла тизимида маслаҳатчи, жамғарманнинг масъул лавозимларида фаолият юритган. Ёши бир жойга етганида ҳаж ибодатини кўнгилга тугади. «Имкон бўлса 1800 АҚШ доллари миқдорида ёрдам кўрсатишини сўрайман», дея ўз мактабинини ниҳоялайди онахон. Касаб уюшмаларида бундай имконият йўқ. Аммо кекса аёлга кўмак кўрсатиши мумкин бўлган ташкилотлар бисёр.


— Онахоннинг аризасини беэтибор қолдирмадик, — дейди Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Ифтихор Раҳимов. — Касаб уюшмалари йўналишида ҳам кўмак кўрсатилади. Қолаверса, бу истакни бир қатор мутасаддиларга етказганмиз.

Мурожаат натижасини кимдир интиқ кутади. Ана шундай бир шароитда касаб уюшмаларига келган ҳеч бир нома этибордан четда қолмаяпти. Гарчанд у адашган мактуб бўлса ҳам...

Эълонлар

Диққат, танлов!

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Касбий кўникмалар кафедраси мудири ҳамда Иқтисодий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси лавозимларига малакали мутахассисларни ишга таклиф қилади.



Номзодлар танлов асосида ишга қабул қилинади.

Танловда олий юридик маълумотли (ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун — магистр даражасига эга бўлган, кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун — профессор ёки доцент илмий унвонига, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори илмий даражасига эга бўлган), қоида тариқасида камидат 3 йил судья (прокурор, адвокат) бўлиб ишлаган юқори малакага эга шахс қатнашиши мумкин.

Танлов икки босқичли синовдан иборат. Синовнинг биринчи босқичида талабгорлар тест синовларидан ўтказилади.

Тест синовларида энг юқори баллнинг камида учдан бирини олганлар иккинчи босқич — синов лекциялари (очиқ машғулотлар) ўтказишда қатнашади.

Тест синовлари ва синов лекциялари (очиқ машғулотлар) тегишлича 4/6 (40 балл/60 балл) нисбатида баҳоланади.

Эслатма: синов лекциялари ва очиқ машғулотлар мавзулари кафедра предмети бўйича ўқув дастурлари талабларига ўқув методик бўлиши керак.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган номзодлар Судьялар олий мактабининг sudyalarioliymaktabi@umail.uz электрон почтасига ёхуд Судьялар олий мактабига (100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй) қуйидаги ҳужжатларни юборишлари сўралади:

ариза (яшаш манзили ва телефон рақамини кўрсатган ҳолда);

маълумотнома (объективка); диплом нусхаси; паспорт нусхаси; меҳнат дафтарчаси нусхаси; бошқа ҳужжатлар (сертификат, тавсифнома ва ҳ.к.).

Аризалар 2022 йил 18 февраль соат 17:00 га қадар қабул қилинади.

Мурожаат учун тел.: (55) 501-01-93

Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи томонидан 2012 йилда Кабиров Азизхўжа Бакир ўғли номига берилган К № 2728015 (руйхат рақами 3160) рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Дўстлик тиббиёт коллежи томонидан 2019 йилда Ярашов Сардорбек Исомиддин ўғли номига «Фармация» йўналиши бўйича берилган №5453998-рақамли диплом йўқолгани маълум қилинади.

П.Ф.Баровский номидаги тиббиёт коллежи томонидан 1993 (94) йилда Достова Махсуда Ахматовна номига берилган №483342 рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси аппарати жамоаси меҳнат фаҳрийси Зулфия Қобиловага ўғли **Миртемур ДҲСМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ касаб уюшмаси Республика кенгаши бош юрисконсульти Лолаҳон Нишоновага синглиси **Гулбэхор НИШОНОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Яккабоғ тумани ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи Сафар Суноновга онаси **Тожи ая СУНОНОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



Дунёнинг ишлари қизиқдир биром, Кеча йилаганлар бугун қуларлар. Пойингга ўт қалаб турган кимсалар, Бугун мулозamat қилиб турарлар.

Қизиқ одамлар бор турфа оламда, Кўнглида нима бор уни билмайсан, Сен билан туришар улар бир сафда, Илондир ё чаён, буни сезмайсан.

Ҳасад жон жонига сингиб бўлгандек, Яхшини кўролмас асло кўзлари, Ютуғинг уларга чўп қалагандек, Самимий бўлолмас асло сўзлари.

Қизиқ одамлар бор ёруғ дунёда, Икки хил сайрайди улар тиллари, Сена бир сўзини айтиб бўлмасдан, Бошқача сўзлайди қора кўзлари.

Дунёнинг ишлари қизиқ-да, болам, Кимга ишонини билмайсан одам, Сен билан ош, нон егани билан Эрта не қилишин билмайсан одам.

Яхши ҳам, ёмон ҳам қайтар дунё бу, Ҳасад ҳам, ҳавас ҳам қайтар дунё бу, Ўзлигин унутган кимсалар учун Эслатиб қўйишга усто дунё бу...

Мархаба МАҲМУДОВА

Бухоро вилояти

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ўз бағримизда улғайсин!

Сиз нима дейсиз?

ЎҒИЛНИНГ АРМОНИ
 Ўн бир ёшимда отам вафот этди. Икки йилдан сўнг биз – уч ўғил, бир қизни боқишга қийналган онам опамни турмушга узатди-ю, акам билан хорижга киришгани кетди. Укам иккимиз шу қиллоқда яшовчи тоғамнинг қарамоғида қолдик. Онам дурустига маблагъ юбориб турганига қарамай, тоғам мени доим қурилиш ишларига жалб этиб, ҳолдан тойганимча ишлатарди. Энг алам қилгани, мен тенги ўғлининг қўлини совуқ сувга ҳам урдирмасди.

Турт йил шу зайдан ўтди. Ниҳоят, балоғат ёшига тўлгач, ўзимизнинг уйда яшаш учун онамдан рухсат олдим. Иккимиз кунда-кунора кўнги-роқлашиб, узоқ сузбатилашсак-да, қариндошларимиз тез-тез ҳол-аҳволимдан хабар олиб туришса-да, мен ҳар кун ҳар лаҳза она меҳрига зор бўлиб кун кечирдим...

Ҳозир 23 ёшдаман. Онам билан акам, ўн йилдирки, ҳамон хорижда. Боз устига, укамни ҳам ёнларига чақириб олишган. Мен эса давлат ташкилотиди ишлабман. Ўша ҳовлимизда танҳо ўзим яшабман. Худога шукур, ҳеч қачон ёмон йўллари қирмадим, бировларнинг ҳақиқа хўнаёт қилмадим. Лекин шунча йиллар давомида онамдан айро яшаганим, унинг меҳрига тўйманганим алам қилади менга. Шунданми, онамсиз ўтган ўсимирлик ва ёшлик даврларимни эслагим келмайди.

ОНАНИНГ АФСУСИ

Эримнинг вафотидан сўнг моддий жиҳатдан анча қийналиб қолдим. Вояга етган қизимни узатиш учун каттагина қарз кўтардим. Олдинда эса уч ўғлимни вояга етказиш, уйлантириш, уйли-жойли қилиш масаласи кўндалан турарди. Шу боис ишлаб, кўпроқ пул топиш илинжида хорижга кетдим. Бундан ўзга чорам йўқ эди.

Албатта, икки дилбандимни акамга қолдириб кетганимдан ўзим қаттиқ изтироб чекканман, уларни кўп соғинганман. Шунинг учун деярли ҳар кун телефон қилиб, узоқ гаплашганман. Ўғлим бир кун менин аҳволимни ҳам тушуниб етар ва мени кечирар, деган умиддаман...

МАЪЛУМОТ

Бухоро вилоятида рўйхатда турган 19 минг нафардан зиёд аёл бугунги кунда узоқ мuddатга хорижга ёки юртимизнинг бошқа шаҳарларига чиқиб кетган. Аксарияти ишлаб пул топиш учун шундай йўл тугган.

МУЛОҲАЗА
 Тўғри, бир қарашда, бунинг ёмон томони йўқ. Чунки яхши даромад орттириш имкони мавжуд жойга бориб ишлаш ёки ўша ерга қўчиб ўтиш глобал дунё талабига айланди. Бироқ хориждаги опа-сингилларимизнинг аксарияти оилали ва фарзандли эканини ҳисобга олсак, уларнинг тахминан учдан бир қисмининг, яъни 6 мингдан зиёдроғининг фарзандлари мамлакатимизда қолган (*Тахминан дейишимиз сабаби масъул ташкилотлар томонидан аниқ ҳисоб-китоби юритилмагани боис бу рақамлар тез-тез ўзгариб турар экан*).

Ҳўш, ана шу қорақўлар кимларнинг қўлида қолган ва нималар билан машғул? Улар қандай таълим-тарбия олишяпти?



Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси масъул ходими Мирқолиб Шамсиевнинг таъкидлашича, бугунги кунда хорижга кетган 400 дан ортиқ оила бошлиқлари болаларини васийлик ва ҳомийлик тамойилига биноан яқин қариндошларига беришган. Қолганлари эса, расман бўлмаса-да, фарзандлари тарбияси билан шуғулланиши оипа-укалари ва ака-сингилларига ишониб топшириб кетишган. Лекин бу йўл-қизларга бобо-бувисси, амма-хотин, амаки-тоғаси ҳар қанча ғамхўрлик қилишгани билан ҳақиқий ота-она меҳрини бера олмасликлари аниқ.

доценти Шухрат Останов. – Қариндош-уруғи қарамоғида қолган бола эса психосоциал ва ҳиссий муаммоларга дуч келади. Жумладан, таълим олиши, саломатлиги ва ижтимоий ҳолати салбий томонга ўзгаради. Онаси ёнида эмаслиги унинг овқатланиши ва ўқишига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Тадқиқотларга кўра, бундай болаларнинг 33 фоизи васий қўлида ўзини бахтсиз ҳис этади, 21 фоизи ҳаётини бад кўради. Айниқса, ота-онасини соғинган пайтлари қайсар, кайфиятсиз ва исёнкор бўлиб қолади. Уларнинг 37 фоизи ғазабани ака-укалари ва опа-сингилларидан олади, 18 фоизи эса катталарга кўпол муносабатда бўла бошлайди.

– Уқувчиларим орасида эр-хотиндан бири ёки иккаласи ҳам хорижга ишлаш учун кетган бир нечта оила фарзандлари ҳам бўлган, – дейди фикрдош туманидаги 18-мактаб ўқувчиси, синф раҳбари Вилант Абдуллаева. – Уларнинг кўпчилиги бошланғич синф ёшида тушун қайфиятда бўлади, фанларни ўзлаштиришда, фикрларини жамлашда қийналади. 5–6-синфга ўтгач, ташқи муҳитга мослаша бошлангани тус-файли ота-онага муҳтожлиги сал сузаяди, кўпроқ эркинликка интилади. 7–8-синфда ота-она меҳри билан бир қаторда, уларнинг иқтисодий кўмаги ҳам зарурлигини англаб етлади. 9–10-синфларда эса ота-она ҳомий деган хулосага келади. Улар пул топиш мақсадида узоқларга кетганини тушунгач, ҳамма нарса моддиятга боғлиқ

экан деган фикр миясига қаттиқ ўрнашиб қолади. Инсоний туйғулар бу матоҳ олдида қийматсиз эканини англаб, пулга ўч, худбин шахс сифатида шаклланади. Оқибатда жиноят қучасига кириб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

ЕЧИМ НИМАДА?

Ҳеч кимга сир эмас, бу муаммонинг ечими энг жиддий муаммолардан бири – ишсизликка бориб тақалади. Шу боис Президентимиз аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қай-қуриши жараёнида фарзандларни оналар бағрига, оналарни болалар ёнига қайтариши, аҳолини сердаромад ишлар билан қамраб олишни асосий мақсадга айлантирганга шак-шубҳа йўқ. Аёллар бандлигини таъминлаш борасидаги асосий ислохотлар негизда нафақат мамлакатдаги, балки хориждаги опа-сингилларимизни ҳам юртга қайтариш мақсади мужассам. Бироқ ушбу масалада фақат давлат раҳбарининг жон куйдириши, турли қонун ва қарорлар қабул қилишнинг ўзини кифоя қилмайди. Бунинг учун мамлакатимиз аҳолиси бир халқ, бир куч бўлиб, ана ўша саъй-ҳаракатлар атрофида бирлашса, илгари сурилаётган ташаббусларни амалда қўллаб-қувватласа, ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Истагимиз, фарзандларимиз ўз бағримизда камол топсинлар!

Дилдора ИБРОҲИМОВА, «ISHONCH»

МУАССИС:
 O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini taхрир хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ (тахрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфилло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сўхроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари),

Меҳридан ШУКУРОВ (Масъул катиб – «Ishonch»),

Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул катиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
 Миллий-маънавий кадрлар ва спорт – (71) 256-82-79
 Халтар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz

сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги англиқлар, таҳлили, танқидий мақоалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Қўруқдаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 573-77-14
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаси назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
 А. Ҳайдаров

Мусаҳҳиж:
 Д. Худойберганова

Саҳифаловчи:
 Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **22:25**
 Топширилди – **22:35**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ.
 Бюджетга **Г-206**
34378 нусxada босилди.
 Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:
 100165, Тошкент шаҳри,
 Бухоро кўчаси, 24-уй.
 E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сеешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Корхона манзили:
 Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
 2021 0000 0004 3052 7001,
 АТИБ «Ipoteka bank»
 Яшнобод филиали,
 Банк коди: 00959,
 СТИР: 201133889,
 ОКЭД: 58130

Хуснингиз ортмоқда борган сари Тадқиқот

Олимлар инсоният тараққиёти давомида аёллар тобора гўзаллашиб бораётгани сабабини аниқлашди

Хельсинки университети олимлари олиб борган илмий тадқиқотлар натижасига кўра, инсоният тараққиёти давомида аёллар тобора гўзаллашиб бормоқда. Яъни, энг замонавий пардоз воситалари туфайлигина эмас, балки табиий гўзаллик ҳам ошиб борапти. Эркаклар қиёфасида эса деярли ўзгариш йўқ.

Бу гаплар одатдаги хушомад эмас, балки 1244 нафар аёл ва 997 нафар эркаклар устида олиб борилган илмий изланишлар натижасидир. «Аёллар тобора гўзаллашиб, жозибадор бўлиб боришмоқда. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ», дейди илмий гуруҳ раҳбари профессор Маркус Йокела. Гўзал аёллар кўпроқ фарзанд кўришади. Бу борада улар «ўртача» кўрсаткич соҳибаларидан 16 фоиз олдинда. Қизини шундаки, гўзал аёлларда кўпроқ қиз фарзандлар туғилади. Бу эса, мутахассислар фикрича, келгусида чиройли аёллар сонини янада оширади. Фин олимлари мазкур хулосага келишда япониялик Канадзава Сатосининг илмий изланишларига ҳам мурожаат қилишди. Сатоши, чиройли ота-оналардан кўпроқ қиз фарзандлар туғилади, деган илмий хулосага келганди. Унинг фикрича, бундай тараққиёт тарзи инсоният учун ирсий, яъни у ДНК тизимида «махсус дастурланган». Демак, жисмоний жозибадорлик наслдан-наслга ўтади. Олимларнинг фикрича, гўзал аёлларга мафтун бўлувчилар «ўртачароқ»ларга қара-

ганда анча кўп бўлади ва бу табиий ҳол. Натижада номзодларни танлаб-танлаб турмуш кўриш ва келгусида тўқис ҳаёт кечириб имкониёти – чиройли қизларда юқорироқ бўлади. Ҳўш, доно табиат нега эркаклар қиёфаси ҳақида қайгурмаган?

Бу саволга олимлар, гўзал аёллар учун умр йўлдоши танлашда эркакларнинг истарали бўлиши асосий омил эмас, дея жавоб беришган.

Умр йўлдошини танлаш масаласида аёл учун энг муҳими – топиш-тутиши яхши, уйим-жойим, болам-чақам дейдиган, мард, қўли очик, аёлининг айтганини муҳайё қилувчи, мўмин-қобил, уй юмушларида ёрдам берувчи ва ҳоказолар. Натижада эркакнинг ташқи қиёфасидаги нуқсонни ана шундай фазилатлар орқасидан биланмайди. Илмий тилда айтганда, «компенсация қилинади».

Тадқиқотларга кўра, унча-бунча аёлнинг ўз хуснидан кўнгли тўлмас, фақат 4 фоиз аёлларини ўзларини «чиройли» деб ҳисоблашар экан. «Аёллар хусн борасида ўз-ўзларига ашаддий танқидчи, – дейди мутахассислар. – Аммо, улар кўпинча ўзлари ўйлаганларидан ҳам гў-



залроқ эканликларини билишмайди...».

Аслида ҳам шундайми ёки йўқ? Бунга аниқлик киритиш учун ғалати бир тажриба ўтказилган.

Юэ, бадан ва соч учун пардоз воситалари ишлаб чиқарувчи «Unilever» компаниясининг Dove савдо белгиси («Дав» – ўзбекча кабутар) аёл гўзаллигини баҳолаш ҳақида фильм сузратга олди. Фильм ғойасига кўра, расом Гил Замора етти аёлнинг сурагини ўзига қараб эмас, балки уларнинг ўзларига берган таърифлари асосида чизди. Кейин, ана ўша аёлларни, бу гал бошқаларнинг оғзаки таъсирлари асосида чизди. Натижада ҳар бир аёлнинг иккитадан сураги пайдо бўлди. Улар таққослаб кўрилганда, ўз-ўзларига берилган таърифлар асосида чизилган расмлар – анча хунук, бегоналар таърифи асосидаги расмларда эса – гўзал аёллар акс этган эди.

Ўзини чиройли, деб ҳисобловчи аёллар, бошқаларга нисбатан ўзларини бахтлироқ ҳис этишаркан. Аслида аёлларнинг ҳаммаси – гўзал. Фақатгина «Лайли гўзаллигин кўрмоқ учун унга Мажнун кўзи ила боқиш» керак...

Бактиёр ҲАЙДАРОВ,
 журналист

Мавзуга оид ҳангома:

Йигит қизга деди:
 – Бугун жудаям гўзалсиз!
 – Ҳамма чиройли қизларга шундай дейсизми?
 – Йўқ, чиройли қизларга бошқача гапираман...